

# **Хурматли ёш олимлар, магистрантлар ва талабалар!**

Сизни 2018 йилнинг 12-13 апрель кунлари ТИҚХММИда ўтказиладиган “Қишлоқ ва сув хўжалигининг замонавий муаммолари” мавзусидаги анъанавий XVII - ёш олимлар, магистрантлар ва иқтидорли талабаларнинг илмий-амалий анжуманига таклиф этамиз.

## **ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ**

“Қишлоқ ва сув хўжалигининг замонавий муаммолари” мавзусидаги анъанавий XVII-ёш олимлар, магистрантлар ва иқтидорли талабаларнинг илмий-амалий анжумани

### **АҲБОРОТ ХАТИ**

#### **Анжуманинг асосий мақсади:**

Қишлоқ ва сув хўжалигининг замонавий муаммоларини ечиш мақсадида илмий-услубий ва ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш ҳамда кадрларни тайёрлаш борасида ёш олимлар, магистрантлар ва иқтидорли талабаларнинг илмий изланишлари натажаларини муҳокама этиш ва оммалаштиришдан иборат.

**Анжуманда қўйидаги илмий йўналишларда иш олиб борилади:**

Шўйба	Анжуман йўналишлари номи
1.	Сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш муаммолари;
2.	Сув ресусларини бошқариш, экология ва атроф муҳит муҳофазаси муаммолари;
3.	Гидротехника ва Гидроэнергетика муаммолари;
4.	Қишлоқ хўжалигини механизациялаш муаммолари;
5.	Гидромелиоратив ишларни механизациялаш муаммолари;
6.	Қишлоқ ва сув хўжалигининг энергетика ва автоматлаштириш соҳаларида замонавий энерготежамкор технологияларни кўллаш;
7.	Ер ресурсларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш ва муҳофаза қилиш муаммолари;
8.	Сув хўжалигида иқтисодий муаммолар, менежмент ва маркетинг;
9.	Сув хўжалиги масалаларида математик моделлаштириш усуллари ва ахборот технологияларини кўллаш;
10.	Хаёт фаолияти хавфсизлиги масалалари;
11.	Сув хўжалигида ракобатбардош кадрлар тайёрлашнинг ижтимоий, педагогик маънавий омиллари.

#### **Расмийлаштиришга оид талаблар:**

Матн ўзбек, рус ва инглиз тилларида қабул қилинади. Тақдим қилинадиган материал аннотация, матн, жадвал расм ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати билан 3 бетдан иборат бўлиши, А-4 ўлчамли оқ қозода тўлик саҳифаланиб, Word 2003 таҳирллагичда Times New Roman 12 шрифтида 1 интервалда пухта таҳирланган ҳолда тайёрланниши керак. Электрон шакли билан (флешкада) тақдим этилади. Матн ўнг томонидан 2.2 см., чап томонидан 2.3 см., юкоридан 2 см., пастан 2 см. дан хошия қолдириб тайёрланади.

Маъруза сарлавҳаси катта харфлар билан марказлашган ҳолда қорайтириб ёзилади, кейинги қаторга муаллиф(лар)нинг Ф.И.Ш. ўқиш (иш) жойи кўрсатилади. Сўнгра бир интервал ташлаб мавзунинг аннотацияси, кейин асосий мақсади берилади ва яна бир интервал ташлаб асосий матн жойлаштирилади.

2018 йилнинг ИТИ режасига киритилган мавзулар, ТИЖда ўрганилган мавзуларда иқтидорли талабаларнинг иштироки, шунингдек, Илмий амалий анжуманга талаба томонидан топширилладиган илмий мақолаларнинг долзарблиги, натажаларини назарий таҳлили ва хаққонийлигини таъминлаш илмий раҳбар ва кафедра мудирлари зиммасига юклитилиб, экспертиза далолатномаси тўлдирилган ҳолда **2018 йилнинг 31-мартигача** қабул қилинади. Талабга жавоб бермайдиган материаллар қабул қилинмайди. Мақолалар ўзgartiriшларсиз чоп этирилади.

Экспертиза далолатномасининг бланкасини **Илмий тадқиқотлар ва илмий педагогик кадрларни тайёрлаш бўлими (Ф.Фозиев)**дан оласиз.

**Ташкилий қўмита манзили: 100000 Тошкент, Мирзо Уlugбек тумани, Қори Ниёзий кўчаси, 39 уй. Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти. ИТваИПКТ бўлими. Тел: 237-19-61, 237-09-46.**